

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1434-ҳадис

ପ୍ରକାଶ ମାତ୍ରାରେ ଏହାରେ କିମ୍ବା ଏହାରେ କିମ୍ବା ଏହାରେ କିମ୍ବା ଏହାରେ କିମ୍ବା ଏହାରେ :ଏହାରେ ଏହାରେ ଏହାରେ

Үн бешинчи боб

Бомдод ва аср намозларининг фазилати ва жамоатга ҳозир бўлишга тарғиб ҳамда хуфтон намозидан олдин ухлаш ва ундан кейин гапиришнинг кароҳияти

1. Расуллұқ соллаллоқу алайхи васаллам:

«Ким икки совұқ (намоз)ни ұқиса, жаннаттаға киүр», дедилар.

Шарх: «Икки совуқ намоз»лари ҳам ҳам бомдод ва аср намоздир. Баъзи уламолар, уни бомдод ва хуфтон, деб атадилар ҳам. Лекин бу ҳадисларда бомдод ва аср намозларига алоҳида эътибор берилишининг боиси бор. Аввало, бу икки намоз ер юзига муҳофаза учун тушиб чиқиб турадиган фаришталар алмашинадиган вақтда ўқилади. Ўша алмашинишдан кейин чиқсан фаришталардан Аллоҳ субҳаноҳу ва таоло: бандаларимни қай ҳолда тарк этиб келдингиз? деб сўрайди.

Шунинг учун ўша вақтларнинг намозини ўқиб турган бандалар катта фазлга эга бўладилар. Шунингдек, бомдод намози ширин уйқу ва дам олиш пайтида, аср намози одамлар майшат учун роса уриниб турган пайтда ўқилади. Ким бу икки намозни ширин уйқуси ва майшатидан кечиб ўз вақтида адо этса, жаннатга киради.



NUBUVVAT MARVARIDLARI